

Авазмухаммад Ёрмухаммад ўгли Писандий 1816 йилда Кўкондаги Мулла Бошмон махалласида тугилган. У ёшлигиданок ота касби косибчилик (атлас тўкиш)ни эгаллайди, дастлаб махалла домласида, сўнг Кўкондаги Охун девон мадрасасида таълим олади. У ўзбек ва форс тожик адабиёти классикларининг меросини ўрганди ва ҳар икки тилда ижод этди. Писандий айниқса тарих ёзишда шухрат қозонди.

Писандий 1918 йилда, 102 ёшида вафот этади.

Писандий ўзбек демократик адабиётидаги ҳажвий поэзиянинг вакили сифатида ҳам муайян мавқега эгадир.

МУХАММАСЛАР

* * *

Кажрав фалақдин айлай эмди бу кун шикоят,
Бойлар ичида бўлди турфа ажаб хикоят,
Бектур деган норасо бадшакл бенихоят,
Бойларга бўлди г.ўё каттик балою офат,
Мундог кишига келсун ҳақдин ҳазор лаънат.

Гафлат шаробин ичган дунёпараст бўлди,
Гўёки сажда килди дунёга маст бўлди,
Бектурни ошно деб сухбатаст бўлди,
Бойларни эътиқоди чун зери даст бўлди,
Ботинлари бузилди, жўш урди кўп касофат.

Бир неча мугсифатлар йўл олдилар хатога,
Кўнгул кўюб ўшандог бедину бевафога,
Кўр бўлдилар адашиб жойи чуқур жафога,
Солди алар ўзини бир дарди бедавога,
Бир-бирларига айлаб дунё учун адоват.

Фарзи худого мункир дунёни килди пинхон,
Акси шариат айлаб банд этди хайру эхсон
Бектурни яхши билди олмоқлиг андин эхсон,
Бу эътиқод бирлан сўм берди неча нодон,
Бошига ҳақ юборсун ҳар кун ҳазор лаънат.

Юз макру хийла бирлан синди Ниёз кўса,
Муфлис килиб ўзини бойлардин ул кутулса,
Ҳажга ирода килди максуди чирки кетса,
Охир келиб чикорди танзилга фойда бўлса,
Бу килмаган жаҳонда ҳеч қолмади касофат.

Корун хазинасидек килсам деди Косимбой,
Очликда ўлганидин ичган эди тезак чой,
Ёғ кўрмаган эди ул тумшуглари йилу ой,
Бой кўрсатиб ўзини Бектурга сурат орой,
Максадга етмади ул бошга олиб маломат.

Судхўрлиг килай деб сўм йигди хожи Собир,
Ислом элида бўлмас мундог ўзига жобир,
Бектурга берди бул хам, илкига олди бир-бир,
Кўп эътикод килди дунё топарга мохир,
Босди бу мурдашўйни дунёда кўп касофат.

Кўп меҳнат ила йигди дунёни Абдужаббор,
Гўёки тумшугидин карга илинди ночор,
Эшак бозори колмай даллолу бенавокор,
Кўп жустужўй бирлан оламни килди безор,
Бектурга жамъ айлаб берди бу бесаодат,

Бадшаклу, беҳамият Собир буруни айёр,
«Шайтонга халфа тушган» дунё топарга тайёр,
Бир пулга юз касамни ичган эди бу беор,
Авкот гадойликда жамъ этти сўм бисёр,
Бектурни отасидек билди бу беҳамият.

Жохил Гуломжони ул зарсалла, номи — Афгон,
Бори бизоатини топшурди шоду хандон,
Ёри киёматим деб Бектурга аҳду паймон,
Йиглаб куюб ёпушти, юзидин ўпди чандон,
Хешу таборин этмас бўлса касал иёдат.

Пири иродатидек Карим охун ёпушти,
Кал кални тумшугидин гўё таниб топушти,
Бир нечаларга бўлди кафил арога тушти,
Ўзи тушуб бу ўтга бир нечалар ковушти,
Бектурни захрин ичти, йўк кеча-кун фарогат

Божонбойи харишўр, асли лакаби гўрхўр,
Бадбахтликда эрди олам элига машхур,
Бой эшикида кўрдум маскан эди анга тўр,
Тушди бу чох ичига гўёки беасо кўр,
Охир дамида кўрди лавхи каламда кулфат.

Ўратеппа ўгрисидин маккори шох Косимбой,
Кўнглида макру хийла хар кимга сўзи бежой,
Нохак касам топилса, айтур манга бу кўк чой,
Догулидур атоси, устоди эрди кажпой,

Бектурга сайд бўлди охир бу бедиёнат.

Бой бўлди Шох Носир, аввал эди карокчи,
Гах мардикор ишлаб, гохи жувоза ёкчи,
Хеч килмаган иши йўк, гохи бўлуб ямокчи,
Кирди саройга, бўлди тертовчига сўрокчи,
Бектурни ханжаридин багри бўлур жарохат.

Мехнат-машаккат ила Мирбоки бой бўлди,
Кўп ёру дўстларидин дунё учун узулди,
Бир дон уйида колмай, сичконлар очдин ўлди,
Бўрё кигизлари хам сотилди, сўм бўлди,
Берди бўлуб пушаймон Бектурга бу амонат.

Гафлат босиб тикилди лойхонага Назар кўр,
Шайтонсифат такаббур дунёга бўлди магрур,
Охир ёғиб балолар бошида кайнади шўр,
Бўлди бу дард бирлан гўё оёғи носур,
Бектурни киссасидин эл ичра кўп хижолат.

Чикди фалакка дуди жонига ўт тутошти,
Урди худо хасисни йўл тўғридин адошти,
Ул тутфуруш йиглаб, афғони хаддин ошти,
Мирхожибой касал деб эшаклари хангрошти,
Мундин зиёда бўлмас одамдаги кабохат.

Хирсу хаво шарори кўнглида ёнди чун нор,
Кўп йиглади, махобат сўмларни килди тайёр,
Утмай томогидин сув бу ранж килди бемор,
Кувват кетиб букулди коматлари Мираброр,
Хумдони дўзахига Бектур солиб харорат.

Холи килиб-ичидин чун отни дўли,
Айрилди сўмларидин бошида эрди кули,
Лой бўлди кўз ёшидин икки саройни йўли,
Бадасл Абдурахмон аслида эрди лўли,
Сўм фойдасин олурга Бектур килди суубат.

Хак бермас оз килсун ул бандасига тавфик,
Бермас кишига сўзни жўғи мисоли зандлиц,
Ким рост сўзни килса, килмас кишига таедик,
Номига акс эрди ёлгончи Хожи Сиддик,
Бектурни шарбатидин тотди бу беканоат.

Каллогани кўзига оз пул кўрунгуси кўп,
Шошиб ўзни урди домига бўлди маъюб,

Ахволини йўкотган одамни ўлгани хўб,
Пул йигди тўй килай, деб бул сартарош Айюб,
Бектур кўлидин олди килгум дебон шафоат.

Чакманфурушликдин Мардон хуруш хилди,
Хеч кимни кўзга илмай кўп айшу жўш килди,
Чумчук каби Зиёбой карга юриш килди,
Бектурни шарбатидин бир катра нўш килди,
Шарманда бўлди охир элдин кўруб ихонат.

Бепирларни килгай шайтон хамиша бадрой,
Йўлдин адашган элни холига вою юз вой!
Шому сахарда тинмай бевакт кўйди карной,
Бойлар сўрашди: ким?—деб, айдилар: ул Авазбой,
Эшакка нўхта солди Бектур килиб далолат.

Бойларга ростликдин бул пахтагир бўлди,
Мехнат-машаккат ила пишти ягир бўлди,
Аввалда шер эрди, бир латтагир бўлди,
Бектурга Абдурахмон ногах асир бўлди,
Бечора бўлди охир бадкайф пурхиёнат.

Лўли мисоли эрди хар кўча-кўйда юргон,
Пул фойдасини кистаб карздорларга мехмон,
Гохи тўйиб эшакдек, гохида очдин ўлгон,
Борини жамъ айлаб берди харис Атожон,
Айрилди сўмларидин Бектур килиб хиёнат.

Султони бокарамдин бадаслларга инъом,
Килди амирларга хизматни субх ила шом,
Утди алар, бу колди дунё учун кўйиб дом,
Максуди от чикарса, бойликда Шох Гулом ном,
Бектурни захри килди бошдин-оёк сироят...

Хинду сифат топиб пул тинмай юрарди хар ён,
Дўкону кўчаларда кўкноривор мехмон,
Хак айласун бу шум.ни келган балога калкои,
Бўлди бу Абдурахмон бойлар ичида шайтон,
Бектурни хасратида ўлди чекиб надомат.

Бир умрда мусофир дунё кидирди нодон,
Корун билиб ўзини Хайриддин ном афгон,
Охир кутургон итдек хар одамини копгон,
Ўлса кафан топилмас, тортар махалла товон,
Кетти бу охиратга бежайру бесахвват.

Охир замон ишидур итлар кефакка тўйди,
Кирди закунга бойлар шаръи шарифи куйди,
Сўмларни кўтаролмай эшакка юкни кўйди,
Мансуркули инокни Бектур кўзини ўйди,
Мундин зиёда бўлмас ислом аро кабохат.

Дунё топиб гадолар кўп эътибор бўлди,
Аввалда мўр эрди, бир аждахор бўлди,
Айрилди сўмларидин бир нонга зор бўлди,
Хайриддинхўжа охир эл ичра хор бўлди,
Килди тамаъ бу нодон Бектурдин истионат.

Шамсиддинхўжа дегон дунёда турфа нодон,
Суратда одам, аммо сийратда мисли шайтон,
Сўмлар кетиб кўлидин кўздин окиб каро кон,
Гохи ўлуб тирилган хинду сифат бериб жон,
Бошига солди Бектур рўзи жазо киёмат.

Тўфон суйига ўхшаб окти кўзини ёши,
Сўмларни олди Бектур, хасратда котти боши,
Халк ичра кўп тамйшо хар кунда жон талоши,
Кўрбошилиқ амалда захр ўлди еган оши,
Дўзахда хам туганмас Бектур билан адоват.

ФУРКАТ ГАЗАЛИГА МУХАММАС

Ним нигоҳини ракибларга нисор айлар кўзинг,
Бнзни бир кўрмок учун кўп интизор айлар кўзинг,
Бир бокишда тийра кўнглумни бахор айлар кўзинг,
Май ичибким гамза тигин обдор айлар кўзинг,
Бир карашда юз кишини дилфигор айлар кўзинг.

Зулм беҳад этгали хазм айлади андешасин,
Кўлга олди беҳи умрум кесгали гам тешасин,
Катл этарда тутди ул Хажжожиди золнм пешасин,
Тутмагон бўлса газабдин Шохимардон шевасин,
Нега кошнингдин хамойил зулфикор айлар кўзинг.

Ишк элин сеҳр этгали жодулигин ифшо килиб,
Кон тўкиб жон олгали мужгонларин бурро килиб,
Халк аро шўри киёматни солиб, гавго килиб,
Холинг ошуби хабашиклимини ягмо килиб,
Фитнадин торожи мулки Зангбор айлар кўзинг.

Жумлани девона килгон ўсма рангли кош эрур,
Кеча-кундуз шум ракиблар махраму сирдош эрур,

Гарчи, эй оху нигорим, биз кари, сен ёш эрур,
Айламас токат нигохингга агарчи тош эрур,
Кўзгуни сиймоб янглиг бекарор айлар кўзинг.

Куйдиму ўлдум, ёронлар, ёр истигносидин,
Катрае тоттирмади харгиз карам дарёсидин,
Куткар эмди бу тирикликда ажал даъвосидин,
Отибон мужгон ўкини кошларини ёсидин,
Войким, жону кўнгулларни шикор айлар кўзинг.

То Писандий ёр ўлурга жўш килгил дам-бадам,
Дод этармен, эй нигорим, гўш килгил дам-бадам,
Бизни хам май лойидин беҳуш килгил дам-бадам,
Базм аро гулранг май сун, нўш килгил дам-бадам,
Фуркатийга бир бокиб дафъи хумор айлар кўзинг.

ХАЖВИЯЛАР

САЪДИХОН КОЗИ ТЎГРИСИДА ХАЖВ

Чикди оламга баччагар кози,
Эл аро шухрати захар кози.
Номини Саъд деб галат кўйган,
Нахсдан тугди, ибни шар кози.
Ота меросидир сагир моли,
Кимки ўлса, анга падар кози.
Сувчаён ё илон десам билмай,
Билган айтур, товонтешар козн.
Кундузи маснади казо узра,
Кечаси, яъни йўлтўсар козн.
Бойлар судига жавоб хозир,
Камбагал хукмини бузар кози.
Хонавайрон неча етим, туллар,
Дод дастингдан, эй ўжар кози!
Калъача кафшу ок банорас тўн,
Хайф зар дўппи, калсар кози.
Бўлса эрди тарикча аклинг агар,
Топар эрдинг бўлак хунар, кози.
Бу газални эшит Писандийдан,
Аблахи дахр, мухтасар кози.

МУХЙИ ХАКИДА ХАЖВИЯ

Куръа очтурмиш афандим бир Эрон раммолидин,
Кўрса толе нахс чикмиш фолбин шашколидин.
Канча савлат бирла борган Ушга аз рўйи тамаъ,

Бехабар эрканму мехмон номаи аъмолидин?..
Хўб килибдур хурматини, балли, Уш мингбошиси,
Кўп хаводис учратибдур бу сафар икболидин.
Кундузи извошда сайру кечаси базми дотор,
Бесакол ёнбошда, бўйни чий каламнинг нолидин.
Сухбат ичра алхазар, деб неча одам тонг отар,
Чиккан ўхшайдир сезиб бу баччагар ахволидин.
Тун яримда хонадон бонуси бу хангомани
Эшитиб чикди, кўлида бир асо кўк толидин.
Солди хўп айлангириб бошу белига ончунон,
Каргади, сўкди бу хожимни бураб соколидин.
Кафши колиб, бош ёлон кочди коронгу бокка,
Бошга текканни сўранглар ўригу шафтолидин.
Шоири шарманда сендек бўлмагай дунёда ҳеч,
Йўк вужудингда асар инсоф бир мисколидин.
Кайга борсанг, таъна сенга, бизга иснодинг сенинг,
Чикмадик харгиз бу бад номинг хунук ишколидин.
Нописанд килган ишинг, эй Мухйи дониш ахлига,
Бу газал бир мукчайиб колган махалла чолидин.

Хасби холи мулло Мирзо Акрам аълам хожи ва талаби казо ба иктизои Мухаммадсолих эллиқбоши ва Мирэхсон саркор ва мулло Мухаммадқаримжон кори.

Мухаммадсолих отлиг, эй биродар,
Бу расволигни сен килдинг саросар.
Балоларга дучор эттинг мани сан,
Аёгимда кишан, бўйнулда аркан.
Боролмасман тириклик ишларимга,
Емай-ичмай урубман тишларимга.
Уеинг бугдойга тўлсун, эй Мирэхсон,
... Ўлсун сани, махдум Каримжон.
Уйимда колмади сингон сафолим,
Сиза арз айлайн аввалги холим.
Мен эрдим Янгикўргон манзилида,
Амин, мингбошнларга нуридийда.
Биринчи козини олдида аълам,
Ёзар эрдим, масойил бўлса мубхам,
Эритмогликда элни ўт каби мум,
Олур эрдим, битиб мазхарни бир сўм
Мабодо бир жин урганни хидоят,
Тўлуб киссам, агар килсам ривоят.
Касам этсам акл жониб хавола,
Ёгар бошимга кўпдин-кўп навола.
Биров даъвоси бўлса бир намакдон,
Субут айлаб анга бир яхши кумгон.
Кўнок арзанча бўлса, моли даъво,

Солиб бошига юз жанжолу гавго.
Агар даъвоси бўлса бир казонни,
Бошига тўнтарибман осмонни.
Агар хукм этса кози бир эшак деб,
Битурман рукъасинн Бештерак деб.
Ривожим кўп эди хар рўзи бозор,
Саёз кунга кўюб иш бўлса душвор.
Хавои козилик бошимга тушти,
Мани итпашшалар ошимга тушти.
Тавозеъ айлабон элликбошига,
Туруб таъзим этиб кош кокишига.
Бу итларга муросову мадоро,
Бериб пинхоний ришват, ошкоро.
Кўфак итдек эшакларни аго деб,
Айик, тўнгузсифатларни таго деб.
Эшикдин келса ногах бир фалиска,
Тутуб огзига аввал фофириска,
Кўтармас анга итлар куйругини,
Салом айлаб, сўрарман буйругини.
Билолмасдин тугилгон манзилимни,
Яна хоким суруштирмиш йилимни.
Хижолатдин чиколмасман эшикдин,
Биров жиртак чолурму деб тешикдин
Бу холатни сўрар ул кадди раъно,
Келурмукан дебон килдим таманно.

АБЁТИ МУЛЛО АВАЗМУХАММАД КОРИ МУТАХАЛЛИС БА ПИСАНД

*Дар мазаммати мулло Мухаммадрасул мутавалли мулаккаб ба Дума ба иктизои мулло
Файзи корийи воиз.*

Дума лакаб шаҳр аро бир кўфак,
Холи эмас калласидин хеч тувак.
Маскани йўк таъйин анго бир макар,
Кози бидан муфтигадур дардисар.
Кавли-касам, окча учун жон сабил,
Барча хусуматга бўлур ул вакил...
Раста, саройларда кезар кундузи,
Ранги совук, эчкиэмар юлдузи.
Кимда кўрар эски тали, носковок,
Чекса тилаб они бўлур вакти чоғ.
Отга якин, итни бўйидин баланд,
Чавқари фес, шакли жухуд Мирзоканд.
Мундин изо топди хама кўру кар,
Мунгузи йўк, дабба гадик баччагар.
Тўй кисалар халк муни эт килиб,

Сардак илан жиззасини дет килиб,
Ош бошида Мамашарифбой кучук,
Фарти фигон калта кўсовдек куюк.
Ўлса биров, мурдашўву гўрков,
Хуррам ўлур ул нафаси бу учов.
Айланибон марги муфожотдек,
Топса ўлумтикни бу калхотдек.
Калла соган ерда ётар бу хуруб,
Шому сахар исковуч итдек юруб.
Кўп кидириб бўлди аёги чака,
Дору дебон кўйди Хакимча бака...
Уйдин агар чикса куюкрок тутун,
Хозир ўлур анда бу ит кечкурун,
«Кирки» чикиб кетса, кутулмас ўлук,
Тирмашибон анга бу махов зулук...
Етти беланчакда бу кўрмай бешик,
Мунга макон асли эди Тошкичик.
Етти яшарликда бу ит дарбадар,
Сотар эди мум билан контефар.
Неча замон мадрасада ётти ул,
Фиску фужур лойкасига ботти ул.
Илми адаб дафтаридин бир калом,
Билмадию бўлди охир калъавом.
Котилига лозим эмасдур дият,
Чунки амал анга эди тавсият.
Дахякий деб ер эди авкофни,
Дарё ўтуб Чусту Фунук Фофни.
Хони замон билдй хиёнат ишин,
Ёткузубон олди огиздин тишин.
Кичкурутуб кўю гузар шахр аро,
Колди анинг бўйида бу можаро.
Ёшу кари ўртасида маскара,
Тавки лаъин гарданида гаргара,
Саксон аро умрини пинхон килиб,
Иззат учун кўхнаи даврон килиб.
Соли бўлуб Хўкан аро эътибор,
Хуку саку аспу бакар, мушу мор...
Моли сагир гўшти балигдин халол,
Емакию ичмакидур моху сол.
Дўзах аро мунга макардур сакар,
Кону йиринг олдидадур мохазар...
Ёшлигида номи эди Булфузул,
Хайф мунга исми Мухаммадрасул.
Ёзмаганим олти варақ банд-банд,
Хажви ани табъима эрмас Писанд.

